

ДАСТЛАБКИ ЭШИТУВ ЎТКАЗИШ БҮЙИЧА ХОРИЖИЙ ДАВЛАТЛАР**ТАЖРИБАСИ****С.Н.Эсаналиев**

Ўзбекистон Республикаси Ҳукуқни муҳофаза қилиш Академияси
мустақил изланувчиси.

<https://doi.org/10.5281/zenodo.13823593>

Аннотация. Мақолада дастлабки эшитув босқичи бүйича АҚШ, Канада, Буюк Британия, Франция, Испания, Германия, МДХ мамлакатларида, хусусан, Россия, Қозогистон, Белорусия, Молдова, Озарбайжон, Қирғизистон тажрибаси ёритилган. Шунингдек, дастлабки эшитув босқичи бүйича айрим ривожланган мамлакатлар тажрибаларини миллий қонунчилукка жорий этиши бүйича таклиф ва тавсиялар келтириб ўтилган.

Калит сўзлар: АҚШ, Канада, Буюк Британия, Франция, Испания, Германия, МДХ мамлакатлари (Россия, Қозогистон, Белорусия, Молдова, Озарбайжон, Қирғизистон) тажрибаси, жиноят ишини тўхтатиб туриш, тугатиш, прокурорга юбориш, номақбул далилларни ишдан чиқариб ташлаш, суд ажрими, айбланувчи, ҳимоячи судья, прокурор.

EXPERIENCE OF FOREIGN COUNTRIES ON PRELIMINARY HEARING

Abstract. The article covers the experience of the USA, Canada, the United Kingdom, France, Spain, Germany, and CIS countries, in particular Russia, Kazakhstan, Belarus, Moldova, Azerbaijan, and Kyrgyzstan, regarding the preliminary hearing stage. Additionally, suggestions and recommendations are provided for incorporating the practices of certain developed countries in the preliminary hearing stage into national legislation.

Key words: The experience of the USA, Canada, the United Kingdom, France, Spain, Germany, and CIS countries (Russia, Kazakhstan, Belarus, Moldova, Azerbaijan, Kyrgyzstan) regarding the suspension and termination of criminal cases, referral to the prosecutor, exclusion of inadmissible evidence, court rulings, the role of the defendant, defense attorney, judge and prosecutor.

ОПЫТ ЗАРУБЕЖНЫХ СТРАН ПО ПРЕДВАРИТЕЛЬНОМУ СЛУШАНИЮ

Аннотация. В статье освещён опыт США, Канады, Великобритании, Франции, Испании, Германии, стран СНГ, в частности России, Казахстана, Беларуси, Молдовы, Азербайджана, Кыргызстана в вопросах стадии предварительного слушания. Также приведены предложения и рекомендации по внедрению опыта некоторых развитых стран по стадии предварительного слушания в национальное законодательство.

Ключевые слова: Опыт США, Канады, Великобритании, Франции, Испании, Германии, стран СНГ (Россия, Казахстан, Беларусь, Молдова, Азербайджан, Кыргызстан) в вопросах приостановления уголовного дела, прекращения дела, передачи прокурору, исключения недопустимых доказательств, судебного постановления, роли обвиняемого, защитника, судьи и прокурора.

Жиноят процессида дастлабки эшитув босқичи бутун дунё бўйлаб қўплаб ҳукуқий тизимларда айбланувчиликнинг ҳукуқларини ҳимоя қилиш ҳамда адолатли суд жараёнини таъминлашда асосий процессуал босқич сифатида намоён бўлади. Мазкур ҳукуқ институтининг тартиб-таомиллари хорижий мамлакат юрисдикциялари доирасида турлича номлансада, дастлабки эшитувнинг туб моҳияти бир-бирига ўхшашлигини кўрамиз.

Хорижий мамлакатлар тажрибасига тўхталиб ўтишдан аввал бу борада адолатли суд муҳокамасини ўтказишида умумий тамойилларни белгилайдиган ҳалқаро ҳукуқий манбаларга тўхталиб ўтишни жоиз деб биламиз.

Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеясининг 1948 йил 10 декабрда қабул қилинган “Инсон ҳукуqlари Умумжаҳон Декларацияси” инсон ҳукуқларининг асосий тамойилларини ифодаловчи фундаментал ҳукуқий хужжат бўлиб, Декларациясининг 10-моддасида “ҳар бир инсон ҳукуқ ва бурчларини белгилаш ва унга қўйилган жиноий айбнинг қанчалик даражада асосли эканлигини аниqlаши учун тўлиқ тенглик асосида ошкора ваadolat талабларига риоя қилинган ҳолда мустақил ва холис суд томонидан кўриб чиқилиши ҳукуқига эга эканлиги кўрсатилган¹. Мазкур ҳукуқий хужжатда дастлабки эшитув билан боғлиқ асосий қоидалар тўғридан-тўғри акс эттирилмаган бўлса-да, адолатли суд муҳокамасига бўлган ҳукуқ (10-модда) ёки айбсизлик презумпцияси (11-модда) каби муҳим тамойилларни ўзида акс эттиради. Бу каби муҳим тамойиллар декларацияни ратификация қилган давлатлар миллий қонунчилигига процессуал адолат ҳамда инсон ҳукуқларини ҳимоя қилишнинг асосини ташкил этади.

Бош Ассамблеяниң 1966 йил 16 декабрдаги 2200 А (XXI)-сонли резолюцияси билан қабул қилинган 1976 йил 23 марта қонуний кучга кирган “Фуқаровий ва сиёсий ҳукуқлар тўғрисида”ги ҳалқаро пактнинг 9-моддаси, 3-қисмига кўра, жиноий айблов бўйича ҳибсга олинган ёки ушлаб турилган ҳар бир шахс зудлик билан судья ёки қонун бўйича суд ҳокимиятини амалга ошириш ҳукуки бўлган бошқа мансабдор шахс хузурига келтирилиши

¹ Инсон ҳукуқлари умумжаҳон декларацияси. Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеясининг Резолюция 217 А (III) билан 1948 йил 10 декабрда қабул ва эълон қилинган. [электрон ресурс], каралган вакти 23.12.2023 й. <https://constitution.uz/uz/pages/humanrights>

ва оқилона муддатда суд мұхокамаси ўтказилиши ёки озод қилиб юборилиши ҳуқуқига эга эканлиги күрсатилған². Мазкур Пактта күра, хібсга олиниси ёки қамоқда сақлаб турилиши туфайли озодликдан махрум этилған ҳар бир шахс ўз ишининг судда күриб чиқилиши ҳуқуқига эга эканлиги белгиланған. Ушбу ҳуқукий нормалар процесуал қонунчиликда дастлабки эшитув босқичи каби механизмлар орқали таъминланади.

Бундан ташқари, “Инсон ҳуқуқлари ва асосий әрқинликларини ҳимоя қилиши түгрисидаги Конвенция”нинг 6-моддасига күра, жиноят содир этган ҳар бир айбланувчининг иши қонуний тартибда күриб чиқилгунига қадар айбсиз ҳисобланиши күрсатилған³.

Ривожланған мамлакатларнинг юрисдикцияга қараб турли номлар билан аталадиган дастлабки эшитув босқичи бутун дунё бўйлаб кўплаб ҳуқуқ тизимларида ҳал қилувчи процесуал босқич ҳисобланиб, жиной одил судлов тизимида муҳим рол ўйнайди.

Масалан, АҚШ ҳуқуқ тизимида дастлабки эшитув жиноят процессида ҳал қилувчи босқич ҳисобланиб, суд мұхокамасини давом эттириш учун етарли далиллар мавжудлигини аниқлашнинг муҳим механизмини таъминлайди. АҚШда дастлабки эшитув (preliminary hearing) айбланувчига қўйилған айбловларнинг асослиларини аниқлаш учун ўтказилади ва ушбу жараён тақдим этилган далилларни ҳуқукий жиҳатдан баҳолашга қаратилған. Судья бу босқичда жиноят ишидаги мавжуд далилларини кўриб чиқиб ишни судга юбориш мүмкін ёки мүмкін эмаслигини ҳал қиласиди⁴. Дастлабки эшитув асосан қамоқ қўлланилиши мүмкін бўлган оғир жиноятлар (фелония) бўйича ўтказилади. Дастлабки эшитувни ўтказиш тартиблари штатлар ва федерал юрисдикциялар орасида фарқ қилиши мүмкін.

Масалан, далилларни тақдим этишда прокурор одатда биринчи навбатда айбловларни тасдиқловчи фактлар ва далилларни келтириб, ўз ишини тақдим этиши, ҳимоячи гувоҳларни ўзаро сўроқ қилиш ва далилларнинг етарлилигини шубҳа остига қўйиш орқали айблов далилларига эътиroz билдириши мүмкін. Юқоридаги жумлаларни ҳуқукий жиҳатдан асослайдиган бўлсак, АҚШда дастлабки эшитув ўтказиш тартиби Федерал жиноят-процессуал қоидалари (Federal Rules of Criminal Procedure) билан тартибга

²“Фуқаровий ва сиёсий ҳуқуқлар тўгрисида”ти халқаро пакт. Бош Ассамблеяning 1966 йил 16 декабрдаги 2200 А (XXI)-сонли резолюцияси билан қабул қилинган, 1976 йил 23 марта кучга кирган.[электронманбаа][https://nrm.uz/contentf?doc=371791_fuqarolik_va_siesiy_huquqlar_to%E2%80%98g%E2%80%98risidagi_halqaro_pakt_\(bosh_assambleyaning_16_12_1966_y_2200_a_\(xxi\)son_rezolyuciysi_bilan_qabul_qilingan_1976_yil_23_martda_kuchga_kirgan\)&products=1_vse_zakonodatelstvo_uzbekistana](https://nrm.uz/contentf?doc=371791_fuqarolik_va_siesiy_huquqlar_to%E2%80%98g%E2%80%98risidagi_halqaro_pakt_(bosh_assambleyaning_16_12_1966_y_2200_a_(xxi)son_rezolyuciysi_bilan_qabul_qilingan_1976_yil_23_martda_kuchga_kirgan)&products=1_vse_zakonodatelstvo_uzbekistana)

³ “Инсон ҳуқуқлари ва асосий әрқинликларини ҳимоя қилиш тўгрисидаги конвенция” Рим, 1950 йил 4 ноябрь (21.09.1970 й., 20.12.1971 й., 01.01. ва 06.11.1990 й., 11.05.1994 й. даги ўзгартишилари билан)

⁴ LaFave, W. R., Israel, J. H., & King, N. J. (2004). Criminal Procedure (3rd ed.). St. Paul, MN: West Publishing Co. pp 780-784.

солинади. Мазкур қоидаларнинг 5.1-бандига кўра, дастлабки эшитув босқичи айбланувчи ҳибсга олинганидан сўнг қисқа муддат ичида ўтказилиши, бунда прокурор тегишли далилларни тақдим этиши ва судья айловлар етарли асосга эга деган хulosага келган тақдирда ишни судга йўналтириши кўрсатилган. Айбланувчи дастлабки эшитувдан воз кечиши ёки уни тезлаштириш хукуқига эга. Бунда айбланувчи судга ёзма равишда ўз розилигини тақдим этади. Бир сўз билан айтганда АШҚда дастлабки эшитув босқичи асосиз айловларга қарши филтръ вазифасини ўтайди ҳамда бу шахсларнинг етарли далилларсиз жавобгарликка тортилмаслигини таъминлайди⁵.

Канадада дастлабки эшитув жиноят процессида суд жараёнига тайёргарлик мақсадида ўтказилади ва судья айловлар юзасидан етказилган далиллар етарли ёки йўқлигини аниқлади. Судья дастлабки эшитув босқичида далилларни кўриб чиқиши ва зарур ҳолларда ушбу босқични кечиктириши, ишга алоқадор етарли далиллар талаб қилиш хукуқига эга⁶. Канадада дастлабки эшитувнинг асосий мақсади жиноят ишининг кейинги ҳолатини баҳолаш ҳисобланади. Бу судьяга жиноят ишини кўришни давом эттириш учун етарли далиллар мавжудлигини баҳолаш имкониятини беради. Дастлабки суд мажлиси шахс ҳибсга олинганидан ва шахсга айлов кўйилганидан кейин ўтказилади. Судья ушбу босқичда айборлик ёки айбизликтини аниқламайди, балки суд муҳокамасини давом эттириш учун етарли далиллар мавжудлигини хукукий жиҳатдан баҳолайди.

Буюк Британияда дастлабки эшитув асосан жиноят ишларини судда кўриб чиқишига тайёрлов босқичи сифатида намоён бўлади. Жиноят ишлари юзасидан дастлабки эшитув вақтида магистрат(суд) томонидан далиллар кўриб чиқилади ва жиноят ишининг судга юборилиши ҳақида қарор қабул қилинади⁷. Мазкур босқичда асосий эътибор жиноят ишини судга юбориш учун етарли асослар бор-йўқлигини аниқлашдан иборатдир. Дастлабки эшитув пайтида ҳар икки томон ҳам далилларни тақдим этиш хукуқларига эга⁸. Ушбу босқичда эҳтиёт чора сифатида қамоққа олинган айбланувчилар эҳтиёт чорасини ўзгартириш (гаров сўраб мурожаат қилиш)лари ҳам мумкин. Мазкур босқичда асосий иштирокчилар сифатида судья суд мажлисига раислик қиласиди, процессуал қонунийликни таъминлайди ва судга киритилган масалалар бўйича қарорлар чиқаради. Прокурор давлат айловини қувватлайди, шу жумладан хукукий далилларни тақдим этади. Ҳимоячи айбланувчининг ишига эътиroz билдириши, қонуний далиллар қелтириши ва судланувчи

⁵ 18 U.S.C. Federal Rules of Criminal Procedure, Rule 5.1

⁶ Criminal Code of Canada (R.S.C., 1985, c. C-46), Sections 536-537.

⁷ Criminal Procedure Rules, Part 9, Rule 9.2

⁸ Criminal Procedure and Investigations Act 1996, Section 5-6

номидан аризалар бериши мумкин. Айбланувчи судда қонуний вакили билан иштирок этиши мумкин бўлган шахс сифатида намоён бўлади. Суд котиби судьяга ёрдам беради ва суд жараёнининг аниқ қайд этилишини таъминлайди.

Францияда хукуқ тизимининг муҳим процессуал жиҳатларидан бири суд жараёнида ҳал қилувчи рол ўйнайдиган дастлабки эшитув босқичи (*audience de mise en examen*) хисобланади. Ушбу босқич жиноий иш бўйича тергов босқичида судья олдида ўтказиладиган расмий мажлисдир. Францияда дастлабки эшитув (*instruction préparatoire*) тартиби Франция Жиноят-процессуал кодекси (*Code de procédure pénale*) билан тартибга солинган бўлиб, бу босқич жиноят ишининг судга юборилишидан олдин ўтказилади⁹.

Францияда жиноий тергов одатда тергов судяси (магистрат) (*juge d'instruction*) томонидан олиб борилади. Тергов судяси тергов етарли даражада ўтказилганлигини аниқлагач, гумонланувчини дастлабки суд мажлисига чақириши мумкин. Дастлабки эшитувдан сўнг, тергов судяси далилларни баҳолайди ва гумон қилинувчига расман айлов кўйиш тўғрисида қарор қабул қиласи (*mise en examen*). Агар тергов судяси гумонланувчини айлашга қарор қиласа, ҳимоячи бу қарорга шикоят қилиши мумкин.

Апелляция шикоятлари юқори суд томонидан кўриб чиқилади, у дастлабки суд мажлисининг далиллари ва процессуал асослантирилганлигини текширади. Бир сўз билан айтганда Франция хукуқ тизимида дастлабки эшитув нотўғри айловларнинг олдини олиш ва факат етарли далилларга эга бўлган ишлар судга юборилишини таъминлаш вазифасини бажаради.

Бошқа манбаларда Француз қонунчилиги бўйича шахсни судга тортиш тўғрисидаги қарор тергов судяси томонидан қабул қилинади¹⁰.

Испанияда дастлабки эшитув (*instrucción, vista preliminar or diligencias previas*) Испания Жиноят-процессуал кодекси (*Ley de Enjuiciamiento Criminal*) билан тартибга солинади. Дастлабки эшитув босқичида судья (*Juez de Instrucción*) далилларни тўплайди, текширади ва ишни судга тайёрлашга масъул бўлади. Ушбу босқич жиноятни тергов қилиш мақсадида бошланади ва судья далилларни йиғиш, айбланувчини сўроқ қилиш ҳамда жабрланувчилар ва гувоҳларни тинглаш ҳуқуқига эга. Агар ишда етарли далиллар топилса, судья ишни суд жараёнига ўтказади. Далиллар етарли бўлмаган тақдирда, иш тўхтатилиши мумкин¹¹. Испанияда дастлабки суд мажлиси жиноий иш бўйича тергов босқичида ҳал

⁹ *Code de procédure pénale*, Articles 80-81, 85

¹⁰ С.М.Рахмонова, “Предварительное слушание дела как форма назначения дела к судебному разбирательству”. Диссертация на соискание ученой степени доктора юридических наук. – Т: 2018 ., -68 ст.

¹¹ *Ley de Enjuiciamiento Criminal*, Artículos 299, 302, 306.

қилювчи босқич бўлиб хизмат қилади. У судья ёки магистрат олдида ўтказилади ва кейинги суд жараёнлари учун асос яратишга қаратилган. Мазкур босқичда тергов судъяси етарли далиллар тўпланган деган хulosага келганда, улар айбланувчини дастлабки суд мажлисига қакириши мумкин.

Бошқа манбаларда Испанияда мураккаб бўлмаган, унча оғир бўлмаган жиноятлар тўғрисидаги ишларни тергов қилишда тезлаштирилган тартиб (*Juicio rápido*) кўлланилиб, 72 соатдан кўп бўлмаган муддатда тергов судъяси томонидан олиб бориладиган текширув асосида ҳал этилади. Суд тарафларнинг илтимосномаларини эшишиб, қуйидаги қарорлардан бирини қабул қилади:

- 1) ишни суд мухокамасига топшириш;
- 2) терговни давом эттириш учун ишни тергов судъясига юбориш.

Германия жиноий адлия тизимида асосий ўринни дастлабки суд мажлиси (*Hauptverhandlung*) ташкил этади. Бу мухим процессуал босқич бўлиб, у айбланувчининг хукуқларини ҳимоя қилишни таъминлайди ва ишнинг умумий суд мухокамасига ўтказилишини аниқлашга ёрдам беради. Германияда дастлабки эшичув (*Vorverfahren*) Германия Жиноят-процессуал кодекси (*Strafprozessordnung*, StPO) билан тартибга солинади. Дастлабки эшичув жиноий тергов босқичини ўз ичига олиб, судья ёки прокурор томонидан бошқарилади. Бу жараён айлов қўйиш ёки ишни тўхтатиш учун далиллар йиғишига қаратилган¹². Айбланувчи дастлабки суд мажлиси давомида ҳимоячига эга бўлиш хукуқига эга. Прокурор тергов давомида тўпланган далилларни судъяга ёки судъялар ҳайъатига тақдим этади. Бунга гувоҳларнинг кўрсатмалари, эксперт хulosалари ва иш учун аҳамиятли бўлган ҳар қандай ашёвий далиллар киради. Ҳимоячи айлов томонидан тақдим этилган далилларга эътиroz билдириш, гувоҳларни сўроқ қилиш, қарши далилларни тақдим этиш, айбланувчи фойдасига тортишув тамойилларига риоя қилган ҳолда баҳслашиш хукуқига эга. Германия жиноят-процессуал қонунчилигига кўра, оралиқ иш юритиш босқичида суд учта қарорлардан бирини қабул қилади¹³.

- 1) ишни кўриб чиқшига қабул қилиши ва суд мажлисини тайинлаш;
- 2) айловни рад этиши;
- 3) айловни тузатишлар билан қабул қилиши.

Бошқа манбаларда, айбланувчини судга олиб келишнинг немис модели бироз ўзига

¹² Strafprozessordnung (StPO), §§ 160, 163, 170

¹³ Цит. по Е. Яненко. Указ. соч. - С. 66.

хос бўлиб, судьяга асосан назорат ва текшириш функциясини юклайди¹⁴. Суднинг немисча шакли қуидагиларга аниқлик киритишга қаратилган:

- 1) *айбланувчини жиноий жавобгарликка тортшининг мақбуллиги ва зарурлиги;*
- 2) *ишини судда асоссиз кўриб чиқшига йўл қўймаслик;*
- 3) *айбланувчига қўшимча далиллар олиши тўғрисида илтимоснома берииши имкониятини берииши каби.*

Жиноят ишларини дастлабки эшитув тарзида кўриб чиқиши МДХ мамлакатларида яъни, Россия, Қозоғистон, Белорусия, Молдова, Озарбайжон, Қирғизистонда жорий этилган бўлиб, бир қатор ўзига хос хусусиятларга эга. МДХ давлатлари жиноят-процессуал қонунчилигининг қиёсий таҳлили шуни кўрсатадики, дастлабки эшитув институти ушбу давлатларда турлича номлар билан аталсада, мазкур хуқуқ институтининг фундаментал асослари бир бирига ўхшашлигини кўрамиз.

Қоғистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексининг 321-моддасига кўра, “ўта оғир жиноятлар бўйича дастлабки суд мажлисини ўтказиш мажбурий ҳисобланади¹⁵. Жиноят ишини прокурорга юбориш, ишни тугатиш, тўхтатиб туриш, жиноят ишларини бирлаштириш ва ажратиш зарурияти бўлган тақдирда жиноят иши бўйича дастлабки эшитув ўтказилиши қайд этилган. Қозоғистон Республикаси ЖПКга кўра, жиноят ишлари дастлабки эшитув тарзида ўтказиш тўғрисида ажрим қабул қилинган кундан эътиборан ўн кунлик муддат ичидаги судья томонидан ўтказилиши, суд мажлисида судланувчи, унинг химоячиси ва давлат айбловчисининг иштироки мажбурийлиги белгиланган. КР ЖПКга кўра, фавқулодда вазиятда ва оммавий тартибсизликлар пайтида содир этилган қотилликлар, тинчлик ва инсоният хавфсизлигига, конституциявий тузум асосларига ва давлат хавфсизлигига қарши, террористик ва экстремистик, уруш даврида ёки жанговар вазиятларда содир этилган ҳарбий жиноятлар, жиноий гуруҳ таркибида содир этилган жиноятлар бўйича ишлар дастлабки эшитув тарзида кўриб чиқилишида тарафларнинг илтимосномаси талаб қилинмайди¹⁶. Юқоридаги ҳолатларда судья ўз ташаббусига кўра дастлабки эшитув ўтказишга ҳақли эканлиги кўринади.

Миллий қонунчилигимизда судья қайси тоифадаги ишлар бўйича ўз ташаббусига кўра дастлабки эшитув ўтказиши мумкинлиги ёки қайси ҳолатларда дастлабки эшитув

¹⁴ С.М.Рахмонова, “Предварительное слушание дела как форма назначения дела к судебному разбирательству”. Диссертация на соискание ученой степени доктора юридических наук. – Т: 2018 ., -64 ст.

¹⁵ Уголовно-процессуальный кодекс Республики Казахстан.<https://adilet.zan.kz/rus/docs/K1400000231>.

¹⁶ Уголовно-процессуальный кодекс Республики Казахстан.<https://adilet.zan.kz/rus/docs/K1400000231>.

үтказишида тарафларнинг илтимосномаси талаб этилмаслиги белгиланмаган.

Фикримизча, мазкур норманинг миллий қонунчилигимизда жорий қилиниши шахсларнинг мазкур тоифадаги жиноятлар бўйича етарли далилларсиз жавобгарликка тортилишининг олдини олиш билан бирга, дастлабки терговнинг хато ва камчиликларини ўз вақтида бартаф этиш имконини беради.

Қозогистон тажрибаси шуни кўрсатадики, жиноят ишини прокурорга юбориш, иш юритиши тўхтатиб туриш ёки тугатиш учун асослар бўлмаса, суд ҚР ЖПКнинг 322-моддаси талабларига риоя қилган ҳолда суд муҳокамасини тайинлаш тўғрисида ажрим қабул қиласди. Агар дастлабки суд мажлисида прокурор айловни ўзгартирса, у судга айлов нутқининг янги тахририни ёзма равишда тақдим этади ва судья буни тегишли ажримда акс эттиради. Прокурорнинг айловни ўзгартириши суд томонидан айлов хуносасини қайта тузиш учун ишни прокурорга қайтаришга асос бўлади. Бу борада АҚШ¹⁷, Канада¹⁸, Буюк Британия¹⁹, Франция²⁰ Германия²¹ қонунчилигига прокурорнинг дастлабки эшитув босқичида айловни ўзгартириш ёки айловдан воз кечиш хукуқи асослантирилмаган.

Миллий қонунчилигимизда жиноят ишлари дастлабки эшитув тарзида кўрилишида прокурорнинг айловни ўзгартириши ёки айловдан воз кечиш хукуқи асослантирилмаган.

Бизнингча, миллий қонунчилигимизда биринчи инстанция судларида жиноят ишлари дастлабки эшитув тарзида кўрилишида прокурорнинг айловни ўзгартириши ёки айловдан воз кечиш хукуқи кандай амалга оширилиши ва унинг хукукий оқибатлари асослантирилиши мақсадга мувофиқ деб биламиз.

Қозогистон Республикаси ЖПКда биринчи инстанция судларида чиқарилган ҳукм бекор қилиниб, янгидан кўриб чиқиш учун биринчи инстанция судларига юборилган бўлса, суд ишни қайта кўриб чиқишида дастлабки суд муҳокамасини ўтказиши белгиланган.

Миллий қонунчилигимизда бу каби қоидалар асослантирилмаган. Амалдаги ЖПКнинг 527¹-моддасига кўра, янги очилган ҳолатлар туфайли иш юритиш қайтадан бошланганлиги муносабати билан суд қарорлари бекор қилинганидан кейин жиноят иши бўйича дастлабки тергов ва суд муҳокамаси умумий тартибда амалга оширилиши кўрсатилган.

Фикримизча, ҳукм бекор қилиниб, янгидан кўриб чиқиш учун биринчи инстанция судларига юборилган жиноят ишлари бўйича ҳамда янгидан суд муҳокамасига жўнатилган

¹⁷ Dressler, Joshua & Michaels, Alan C. “Understanding Criminal Procedure”. 2018., p 335–340.

¹⁸ “Criminal Code of Canada”. Article 565/ Friedland, Martin L. “Criminal Justice in Canada”. 2017., p 225–230.

¹⁹ Ashworth, Andrew & Redmayne, Mike. “The Criminal Process”. 2010., p 295–300.

²⁰ Pradel, Jean. “Droit pénal et procédure pénale”. 2016., p 455–460.

²¹ Jescheck, Hans-Heinrich & Weigend, Thomas. “Lehrbuch des Strafrechts: Allgemeiner Teil”. 2012., p 478–485.

жиноят иши бўйича дастлабки эшитув ўтказиш масалалари амалдаги ЖПКда мустаҳкамланиши мақсадга мувофиқ.

Россия Федерацияси Жиноят-процессуал кодексининг 229-моддасига кўра, суд тарафларнинг илтимосига биноан ёки ўз ташаббуси билан дастлабки эшитув ўтказишга ҳақли²². Дастлабки эшитувни ўтказиш тўғрисидаги илтимоснома тараф томонидан жиноят иши материаллари билан танишгандан сўнг ёки жиноят иши бўйича айлов хулосаси ёки айлов далолатнома нусхаси айланувчи томонидан олинган кундан бошлаб уч кун ичida берилиши мумкин. РФ ЖПКнинг 234-моддасига кўра, дастлабки эшитув судья томонидан ёпиқ суд мажлисида тарафлар иштирокида РФ ЖПК талабларига риоя қилган ҳолда ўтказилиши, тарафларни суд мажлисида чақириш тўғрисидаги хабарнома дастлабки суд мажлиси ўтказиладиган кундан камида уч кун олдин юборилиши, агар тараф далилларни рад этиш тўғрисида илтимоснома билан мурожаат қилган тақдирда, судья бошқа тарафдан унинг ушбу илтимосномага эътиrozи бор-йўқлигини сўраши, агар эътиrozлар бўлmasa, судья илтимосномани қаноатлантириши ёки дастлабки суд мажлисини ўтказиш учун бошқа асослар бўлmasa, суд мажлисини тайинлаш тўғрисида ажрим чиқариши кўrsatilgan. РФ ЖПКда дастлабки эшитув босқичида тарафларнинг илтимосига биноан жиноят иши бўйича бирор ҳолатдан хабардор ҳар қандай шахс гувоҳ сифатида сўроқ қилиниши, жиноят ишлари дастлабки эшитув тарзида кўрилишида баённома юритилиши, ҳимоячи томонидан тақдим этилган далилларни рад этиш мажбурияти прокурор зиммасида бўлиши, бошқа ҳолларда исботлаш мажбурияти ариза берган томон зиммасида бўлиши кўrsatilgan.

РФ ЖПКга кўра, агар суд далилларни номақбул деб топиш тўғрисида ажрим чиқарса, у ҳолда бу далил юридик кучини йўқотиши, суд мухокамаси давомида текширилиши ва фойдаланилиши мумкин эмаслиги, суд жиноят ишини мазмунан кўриб чиқишида тарафнинг илтимосига биноан чиқариб ташланган далилларни макбул деб топиш тўғрисидаги масалани қайта кўриб чиқишига ҳақли эканлиги кўrsatilgan. РФ ЖПКга кўра, агар дастлабки суд мухокамаси чоғида прокурор айловни ўзгартирса, судья буни ҳам ажримда акс эттиради ва жиноят ишини прокурорга қайтариш чорасини кўradi.

Беларусь Республикаси Жиноят-процессуал кодексининг 276-моддасига кўра, судга юборилган жиноят иши бўйича судья ишни судловга тегишилилигига кўра ўтказиш, иш бўйича иш юритишни тўхтатиб туриш, дастлабки суд мажлисини тайинлаш, суд мухокамасини тайинлаш тўғрисида ажримлардан бирини чиқариши кўrsatilgan. Хусусан,

²² Уголовно-процессуальный кодекс Российской Федерации <https://base.garant.ru/12125178/>, <https://rulaws.ru/upk-rf/>

БР ЖПКнинг 277¹-моддасига кўра, судья тарафларнинг илтимосига биноан ёки ўз ташаббуси билан, жиноят ишини прокурорга қайтариш, жиноят ишини тугатиш бўйича асослар мавжуд бўлса, дастлабки суд мажлисини ўтказиши қайд қилинган. БР ЖПКнинг 280²-моддасига кўра, дастлабки суд мажлиси судья томонидан прокурор, айбланувчи, шунингдек унинг қонуний вакили, ҳимоячи, агар улар жиноят ишида иштирок этаётган бўлса таржимон иштирокида ўтказилиши, жиноят ишини тугатиш бўйича етарли асослар бўлса, жабрланувчи ва (ёки) унинг вакили судга чақирилиши кўрсатилган.

БР ЖПКнинг 280⁴-моддасига кўра, дастлабки эшитув натижалари бўйича судья жиноят ишини прокурорга қайтариш, жиноят ишини тугатиш ёки суд муҳокамасини тайинлаш тўғрисида ажримлардан бирини қабул қиласи²³.

Қирғизистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексининг 277-моддасига кўра, келиб тушган жиноят ишлари бўйича суд ишни прокурорга қайтариш, ишни тегишлилигига кўра ўтказиш, ишни бошқа иш билан бирлаштириш учун тегишли судга ёки прокурорга юбориш, дастлабки суд мажлисини тайинлаш ёки суд мажлисини тайинлаш тўғрисида ажримлардан бирини қабул қилиши кўрсатилган. Жумладан, ҚР ЖПКнинг 279-моддасига кўра, дастлабки суд мажлиси номақбул далилларни чиқариб ташлаш, жиноят ишини тўхтатиб туриш ёки тугатиш, эҳтиёт чорасини ўзгартириш масалаларида ўтказилиши қайд этилган. Дастлабки суд мажлисини ўтказиш тўғрисидаги илтимоснома иш судга келиб тушган кундан бошлаб уч кун ичida тараф томонидан берилиши, тарафларни суд мажлисига чакириш тўғрисидаги хабарнома дастлабки эшитув ўтказиладиган кундан камида уч кун олдин юборилиши, жиноят иши судга келиб тушган кундан бошлаб ўн кундан кечиктирмай судья томонидан ёпиқ суд мажлисида тарафлар иштирокида ўтказилиши, айбланувчининг айбини исботлаш масаласи дастлабки суд мажлисида муҳокама қилинmasлиги ҳамда тегишли баённома юритилиши белгиланган. Жумладан, тарафлар ҳар қандай далилни суд муҳокамасига тақдим этилган далиллар рўйхатидан чиқариб ташлаш тўғрисида илтимоснома беришга ҳақли эканлиги, агар суд далилларни истисно қилиш тўғрисида ажрим чиқарган бўлса, у ҳолда бу далил юридик кучини йўқотиши ва хукм ёки суднинг бошқа қарори учун асос бўла олмаслиги ёки кейинчалик текширилиши ва ушбу далилдан фойдаланиши мумкин эмаслиги кўрсатилган.

Молдова Республикаси ЖПКнинг 345-моддасига кўра, дастлабки эшитув ўтказиш асослари белгиланган. МР ЖПКга кўра, жиноят иши суд муҳокамасига тайинлангандан

²³ Уголовно-процессуальный кодекс Республики Беларусь. https://kodeksy-bel.com/ugolovno-protsessualnyj_kodeks_rb.htm

сүнг уч кундан кечиктирмай ўтказилиши, судья иш материалларини ўрганиб чиқиб, дастлабки суд мажлиси ўтказиш санасини белгилаши, очиқ суд мажлисида кўриладиган жиноятлар бўйича дастлабки эшитув йигирма кундан кечиктирмай ўтказилиши, вояга етмаган айбланувчиларга ёки эҳтиёт чораси сифатида қамоққа олинган шахсларга нисбатан дастлабки суд мажлиси қамоққа олиш муддати тугагунга қадар ўтказилиши кўрсатилган²⁴.

Молдова Республикаси ЖПКга кўра, дастлабки суд мажлисида иш юритишни тўлик ёки қисман тугатиш, иш юритишни тўхтатиб туриш, ҳимоя чоралари кўриб чиқилиши қайд этилган²⁵.

Озарбайжон Республикаси Жиноят-процессуал кодекининг 299-моддасига кўра, дастлабки эшитув суд мажлисига тайёрлов босқичи сифатида айбловларнинг моҳияти бўйича суд мажлисини тайинлаш имкониятини текшириш, жиноят ишини судгача соддалаштирилган тартибда тарафлар иштирокида кўриб чиқиша намоён бўлади²⁶.

Озарбайжон Республикаси ЖПКга кўра, дастлабки эшитувни ўтказиш тартиби суд томонидан белгиланади ва мазкур босқичда тарафларнинг илтимосномалари ҳисобга олинади. (ЖПК 299²). Шу жумладан, ушбу босқичда дастлабки тергов жараёнида ЖПК талаблари бузилганлиги, шикоят (илтимоснома) мазмуни ЖПК қоидаларига мос келиши, жиноят иши юритишни тўхтатиб туриш ёки тугатиш учун асослар мавжудлиги, жиноят иши бўйича эҳтиёт чорасини танлаш, ўзгартириш ёки бекор қилиш учун асослар мавжудлиги, оғир ёки ўта оғир жиноятлар тўғрисидаги ишлар бўйича суд мажлисини ҳакамлар хайъати иштирокида ўтказиш учун асослар мавжудлиги, берилган илтимосномаларни қаноатлантириш ёки рад этиш тўғрисида, тарафлар томонидан тақдим этилган далиллар далил сифатида қабул қилиниши мумкин бўлмаган материалларни суд муҳокамасидан олиб ташлаш тўғрисидаги масалалар кўриб чиқилади (ОР ЖПК 299³-модда).

Эстония Республикасида жиноят иши бўйича дастлабки эшитув туман судьяси томонидан кўриб чиқилади. Эътиборли жиҳати шундаки, Эстонияда юқори инстанция судларида ҳам дастлабки эшитув ўтказиш амалиёти мавжуд. Дастлабки суд мажлиси жиноят-процессуал қонун нормалари жиддий бузилган тақдирда, судья зарур деб топган ҳолларда ўтказилади. ЭР ЖПКнинг 259-моддасига кўра, дастлабки суд мажлиси якка судья

²⁴Уголовно-процессуальный кодекс [online.com/Document/?doc_id=30397729](https://continent-online.com/Document/?doc_id=30397729)

²⁵Уголовно-процессуальный кодекс [online.com/Document/?doc_id=30397729](https://continent-online.com/Document/?doc_id=30397729)

²⁶Уголовно-процессуальный кодекс [online.com/Document/?doc_id=30420280](https://continent-online.com/Document/?doc_id=30420280)

Республики

Республики

Азербайджанской

Молдова.

Молдова.

Республики.

[https://continent-](https://continent)

[https://continent-](https://continent)

[https://continent-](https://continent)

томонидан кўриб чиқилиши, унда прокурор ва ҳимоячининг иштироки мажбурийлиги, зарурат бўлган тақдирда, бошқа иштирокчилар ҳам чақирилиши мумкин бўлиб, бу босқичда суд мажлиси баённомаси юритилади²⁷. ЭР ЖПКнинг 260-моддасига кўра, прокурор дастлабки суд мажлисига келмаса, суд мажлиси қолдирилиши ва келмаслик сабаблари ҳакида юқори турувчи прокурорга хабар берилиши, агар ҳимоячи дастлабки суд мажлисига келмаса, дастлабки суд мажлиси қолдирилиб, адвокатура раҳбариятига хабар қилиниши, процесснинг бошқа иштирокчиларининг келмаслиги дастлабки суд жараёнига тўсқинлик қиласлиги белгиланган. Шунингдек, Эстония Республикаси ЖПКнинг 261-моддасига кўра, судья томонидан жиноят иши номини эълон қилиши, дастлабки эшитувда ҳал қилинадиган масала, шунингдек, дастлабки суд мажлисида кимлар иштирок этаётганлиги, уларнинг шахси аниқланиши, рад этиш тўғрисидаги илтимосномалар кўриб чиқилиши, тарафларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари тушунтирилиши, томонларнинг фикрлари эшитилиши кўрсатилган. Эстония Республикаси ЖПКнинг 262-моддасига кўра, дастлабки эшитув бўйича судья қуидаги қарорлардан бирини яъни айбланувчини судга келтириш тўғрисида, айлов хулосаси ЖПКнинг 154-моддаси талабларига жавоб бермаса, уни прокурорга қайтариш, беш иш куни ичida ҳимоя актига қўшимчалар киритиш ёки янги ҳимоя акти тузиш (ҳимоя акти белгиланган талабларга жавоб бермаса), жиноят ишини тугатиш, эҳтиёт чорасини кўллаш ёки ўзгартириш тўғрисида қарор қабул қиласи.

Юкорида келтириб ўтилган хорижий мамлакатларда дастлабки эшитув босқичи билан боғлиқ қоидаларнинг қиёсий таҳлили миллий қонунчилигимиздаги айrim ҳукукий бўшлиқларни ислоҳ қилишга ундейди. Ҳар бир мамлакат қонунчилиги шуни кўрсатадики, дастлабки эшитув жиноий процессида айловнинг тўғрилиги ва жиноят ишининг умумий суд муҳокамасига ўтиши учун етарли асосларни аниқлашга хизмат қиласи.

REFERENCES

- Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси. Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеясининг Резолюция 217 А (III) билан 1948 йил 10 декабрда қабул ва эълон қилинган. [электрон ресурс], қаралган вақти 23.12.2023 й. <https://constitution.uz/uz/pages/humanrights>
- “Фуқаровий ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисида”ги халқаро пакт. Бош Ассамблеянинг 1966 йил 16 декабрдаги 2200 А (XXI)-сонли резолюцияси билан қабул қилинган, 1976 йил 23 марта кучга кирган.

²⁷ <https://www.juristaitab.ee/sites/default/files/seaduste>

[электронманбаа][https://nrm.uz/contentf?doc=371791_fuqarolik_va_siesiy_huquqlar_to_%E2%80%98g%E2%80%98risidagi_halqaro_pakt_\(bosh_assambleyaning_16_12_1966_y_2200_a_\(xxi\)son_rezolyuciyasi_bilan_qabul_qilingan_1976_yil_23_martda_kuchga_kirgan\)&products=1](https://nrm.uz/contentf?doc=371791_fuqarolik_va_siesiy_huquqlar_to_%E2%80%98g%E2%80%98risidagi_halqaro_pakt_(bosh_assambleyaning_16_12_1966_y_2200_a_(xxi)son_rezolyuciyasi_bilan_qabul_qilingan_1976_yil_23_martda_kuchga_kirgan)&products=1) vse zakonodatelstvo uzbekistana

3. “Инсон ҳуқуқлари ва асосий эркинликларини ҳимоя қилиш түғрисидаги конвенция” Рим, 1950 йил 4 ноябрь (21.09.1970 й., 20.12.1971 й., 01.01. ва 06.11.1990 й., 11.05.1994 й. даги ўзгартишилари билан)
4. LaFave, W. R., Israel, J. H., & King, N. J. (2004). Criminal Procedure (3rd ed.). St. Paul, MN: West Publishing Co. pp 780-784.